

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОЙИШИ**536 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг йигирма беш йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида**

Халқимиз сиёсий тафаккурининг ноёб намунаси бўлган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Ватанимиз мустақиллиги, халқимизнинг тинч-осойишта ҳаёти, фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатларининг мустаҳкам кафолати сифатида юртимизда бозор муносабатлари ва хусусий мулк устуворлигига асосланган ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш, Ўзбекистоннинг халқаро майдонда муносиб ўрин эгаллаши борасида асосий пойдевор бўлиб келмоқда.

Мамлакатимизда Конституциямизда белгилаб берилган қоида ва тамойиллар негизида самарали миллий қонунчилик тизими, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, фуқаролик жамияти институтлари шаклланиб, ҳаётимизнинг барча соҳа ва тармоқларида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилаётгани, давлатимизнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий салоҳияти юксалиб, халқимизнинг онгу тафаккури тобора ўсиб бораётгани айниқса аҳамиятлидир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини кенг тарғиб этиш, юртдошларимиз, айниқса, ёшларимиз қалбида қонунга ҳурмат, Ватанга меҳр ва садоқат туйғусини кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш ҳамда Асосий Қонуни-миз қабул қилинганининг йигирма беш йиллик санасини кенг нишонлаш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг йигирма беш йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дастури (кейинги ўринларда — Дастур) 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг йигирма беш йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика ташкилий қўмитаси (кейинги ўринларда — Ташкилий қўмита) таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ташкилий қўмитанинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белги-лансин:

Дастурда кўзда тутилган тадбирларнинг мамлакатимиздаги барча давлат ва нодавлат ташкилотларини, кенг жамоатчиликни фаол жалб этган ҳолда, юқори савияда ўтказилишини таъминлаш;

давлат идоралари ва муассасалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот восита-

ларининг Дастурда кўзда тутилган тадбирларни амалга оширишга доир фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш;

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг норма ва тамойиллари ҳаётга татбиқ этилишини, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли демократик, социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислохотларга ҳуқуқий замин бўлиб хизмат қилаётган Асосий Қонунимизнинг аҳамиятини ҳаётий мисоллар билан очиб беришга бағишланган туркум тадбирларни ташкил этиш ва бу борада амалга оширилаётган салмоқли ишлар оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминлаш.

3. Ташкилий қўмита:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда Дастурни амалга оширишни молиялаштириш манбалари ва ҳажмини белгиласин;

ўн кун муддатда Дастурда белгиланган тадбирларни ўз вақтида ва юқори савияда амалга ошириш учун тегишли ишчи гуруҳлар таркиби, комплекс чоратадбирлар режасини тасдиқласин ва амалга оширишга киришсин.

4. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг йигирма беш йиллигига бағишланган тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

5. Мазкур фармойишнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси О. Муродов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2017 йил 20 июнь,
Ф-4969-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2017 йил 20 июндаги
Ф-4969-сонли фармойишига
1-ИЛОВА

25 (785)-сон

— 107 —

536-модда

**Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг йигирма беш йиллигини
нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар
ДАСТУРИ**

Т/р	Бажариладиган тадбирлар	Бажариш мuddати	Бажариш учун масъуллар
I. Тантанали тадбирлар			
1.	«Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунига бағишлаб ўтказиладиган тантанали йиғилишни ҳамда мамлакатимиз санъат усталари ва ёш ижрочилар иштирокидаги бадиий дастурни юқори савияда ташкил этиш ва ўтказиш.	2017 йил 7 декабрь	Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Маданият вазирлиги
2.	Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Давлат мукофотларини топширишга бағишланган тантанали маросимни ўтказиш.	2017 йил 7 декабрь	Ўзбекистон Республикаси Президенти девони Ташкилий-кадрлар хизмати
3.	Давлат мукофотлари билан тақдирланганларга вазирликлар, идоралар ва ҳудудий ҳокимликларда мукофотларни тантанали вазиятда топшириш тадбирларини ўтказиш.	2017 йил 4 — 6 декабрь	ҚР Жўқорғи Кенеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Республика вазирлик ва идоралари
4.	Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кунга бағишланган тантанали йиғилиш ҳамда санъат усталари, ёш ижрочилар иштирокидаги бадиий ва концерт дастурларини юқори савияда ташкил этиш ва ўтказиш.	2017 йил 4 — 7 декабрь	ҚР Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Маданият вазирлиги
5.	Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қоида ва тамойилларини ўрганиш бўйича ўтказилган олимпиада ғолибларини тақдирлаш ва ушбу маросимларни оммавий ахборот воситаларида ёритиш.	2017 йил 6-7 декабрь	Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, ТДЮУ, «Камолот» ЁИХ, МТРК
6.	Ҳарбий қисм ва бўлинмаларда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг йигирма беш йиллигига бағишланган тантанали сафланиш тадбирларини ўтказиш, ҳарбий ва ўқув тайёргарликда алоҳида намуна кўрсатган ҳарбий хизматчиларни рағбатлантириш ва тақдирлаш.	2017 йил 4 — 6 декабрь	Мудофаа вазирлиги, ИИБ, МХХ

Т/р	Бажариладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Бажариш учун масъуллар
7.	Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни 16 ёшга тўладиган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига фуқаролик паспортини топширишга бағишланган тантанали маросимларни ўтказиш.	2017 йил 5 — 8 декабрь	ИИВ, ҚР Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
II. Халқаро тадбирлар			
8.	Ўзбекистоннинг чет элдаги муассасаларида ва халқаро ташкилотлар қошидаги ваколатхоналари ёки халқаро ташкилотлар штаб-квартираларида Конституциямиз қабул қилинганининг йигирма беш йиллигига бағишланган тантанали қабул ва кўргазмалар ташкил этиш.	2017 йил ноябрь-декабрь	Ташқи ишлар вазирлиги, «Жаҳон» АА
9.	Демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ва қонун устуворлигини таъминлашда Конституциянинг ўрни ва аҳамиятига бағишланган хорижий мамлакатлар конституциявий назорат органлари вакиллари иштирокида халқаро илмий-амалий конференция ўтказиш.	2017 йил ноябрь	Конституциявий суд, Олий Мажлис палаталари, Адлия вазирлиги, ДБА
10.	Ўзбекистоннинг чет элдаги муассасалари веб-сайтларида ҳамда хорижий мамлакатларнинг оммавий ахборот воситаларида Конституциямиз қабул қилинганининг йигирма беш йиллигига бағишланган материалларни жойлаштириш.	2017 йил октябрь — декабрь	Ташқи ишлар вазирлиги, «Жаҳон» АА
III. Эсдалик нишонларини таъсис этиш			
11.	«Ўзбекистон Республикаси Конституциясига 25 йил» эсдалик нишонини таъсис этиш.	2017 йил август-сентябрь	Ўзбекистон Республикаси Президенти девони Ташкилий-кадрлар ҳамда ОАВ, маънавият ва маърифат, маданият, санъат ва ижодий ташкилотларни ривожлантириш масалалари хизматлари
12.	Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг йигирма беш йиллигига бағишланган почта маркасини чоп этиш.	2017 йил октябрь	«Ўзбекистон почтаси» АЖ
IV. Маънавий-маърифий тадбирлар ва тарғибот-ташвиқот ишлари			
13.	Аҳолининг кенг қатламлари ўртасида, меҳнат жамоалари, маҳаллалар, ўқув масканларида маърифий учрашувлар, жонли мулоқот ва суҳбатлар, адабий-бадий кечалар, маданий-маърифий тадбирларни кўтаринки руҳда ўтказиш мақсадида таниқли олимлар, ижодкор зиёлилар, санъаткорлардан иборат маънавий-маърифий тарғибот гуруҳларини ташкил этиш ҳамда уларнинг белгиланган режа асосида фаолият олиб боришини таъминлаш.	2017 йил сентябрь — декабрь (алоҳида режа асосида)	Республика Маънавият тарғибот маркази, Маданият вазирлиги, Ҳуқуқий тарғибот ва маърифат бўйича давлат органлари ишларини мувофиқлаштириш бўйича Идоралараро кенгаш, ҚР Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари

Т/р	Бажариладиган тадбирлар	Бажариш мuddати	Бажариш учун масъуллар
14.	Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 2017 йил 6 апрелдаги ЎРҚ–426-сонли ва 2017 йил 31 майдаги ЎРҚ–430-сонли қонунлар билан киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларни ўз ичига олган нашрини (ўзбек тилида кирилл ва лотин ёзувларида, қорақалпоқ, рус, инглиз тилларида) нашрга тайёрлаш ва чоп этиш.	2017 йил, октябрь	Олий Мажлис палаталари, Конституциявий суд, Ташқи ишлар вазирлиги, ҚР Жўқорғи Кенеси, Матбуот ва ахборот агентлиги, «Ўзбекистон» НМИУ
15.	Кўзи ожизлар учун брайль алифбосида Ўзбекистон Республикаси Конституциясини нашр этиш.	2017 йил октябрь	Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон кўзи ожизлар жамияти
16.	Ўзбекистон Республикаси Конституциясига илмий-амалий шарҳ тайёрлаш ва нашр этиш.	2017 йил октябрь	Конституциявий суд, ТДЮУ, АҚХМИ, ДБА, ЖИДУ, Бош прокуратуранинг Олий ўқув курслари, ИИВ Академияси
17.	Конституциявий комиссиянинг айрим аъзолари билан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг йигирма беш йиллигига бағишланган интервьюлар тайёрлаш ҳамда босма ва электрон оммавий ахборот воситаларида ёритиш.	2017 йил август — декабрь	МТРК, ЎЗА, ЎЗЭОАВМА, Конституциявий суд
18.	Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг яратилиш тарихига бағишланган архив ҳужжатларининг кўргазмасини ташкил этиш ва махсус ҳужжатли фильм тайёрлаш.	2017 йил сентябрь — декабрь	Олий Мажлис палаталари, Конституциявий суд, «Ўзархив» агентлиги, МТРК, «Ўзбеккино» миллий агентлиги
19.	Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳақида маълумот берувчи махсус Интернет ресурс — «constitution.uz» веб-сайтini Асосий Қомиссиянинг яратилиш тарихига оид, унинг жамиятимиз ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини кўрсатиб берувчи турли маълумотлар билан тўлдирган ҳолда янада такомиллаштириш ҳамда мунтазам янгилаб бориш.	2017 йил сентябрь	Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Конституциявий суд, Олий Мажлис палаталари, АҚХМИ
20.	Ўзбекистон Республикаси Конституциясини мактаб ўқувчилари орасида оммалаштиришга қаратилган қизиқарли нашрлар, медиа-дарслар тайёрлаш ва нашр қилиш.	2017 йил август-сентябрь	Халқ таълими вазирлиги, ТДЮУ
21.	«Баркамол авлод» болалар марказларида «Конституция ўқувчилар нигоҳида» мавзусида ижодий ишлар танлови ва кўргазмаларини ташкил этиш.	2017 йил ноябрь-декабрь	Халқ таълими вазирлиги, ҚР Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
22.	Таълим муассасаларида ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари, ҳуқуқшунос олимлар иштирокида «Конституцияни ўрганамиз», «Конституция — менинг тақдиримда» мавзуларида учрашувлар, очик мулоқотлар, ҳуқуқий-маърифий тадбирлар ташкил этиш.	2017 йил ноябрь-декабрь	«Камолот» ЁИХ, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Т/р	Бажариладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Бажариш учун масъуллар
23.	Умумий ўрта таълим, ўрта махсус ва касб-ҳунар ҳамда олий таълим муассасаларида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қоидалари ва тамойилларини ўрганиш бўйича олимпиадалар ташкил этиш ва ОАВда кенг ёритиш.	2017 йил сентябрь — ноябрь	Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Адлия вазирлиги, «Камолот» ЁИХ, МТРК, ЎзЭОАВМА
24.	Олий таълим муассасалари ўртасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг йигирма беш йиллигига бағишланган талабалар конференциясини ўтказиш.	2017 йил ноябрь	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
25.	Умумий ўрта таълим, ўрта махсус ва касб-ҳунар ҳамда олий таълим муассасаларида «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш» курсларини олиб бораётган профессор-ўқитувчилар учун илмий-назарий ва амалий семинарлар ташкил этиш.	2017 йил ноябрь — декабрь	Адлия вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
26.	Ўзбекистон Республикаси Конституциясидаги ғоя ва асосий тамойилларнинг мазмунини ўзида акс эттирувчи шиорлар, фотолавҳалар, плакатлар, паннолар ва бошқа кўргазмали воситаларни тайёрлаш ва вилоят, шаҳар, туман марказлари шоҳ кўчалари, хиёбонлар, тадбирлар ўтадиган жойларга ўрнатиш.	2017 йил август — декабрь	ҚР Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси
27.	«Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси — мамлакат тараққиёти ва жамият фаровонлигининг ҳуқуқий кафолати» мавзусида аҳолининг барча қатламлари ўртасида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг мазмун-моҳиятини тарғиб этиш маърифий ойлигини ўтказиш.	2017 йил ноябрь-декабрь	Маънавият тарғибот маркази, Адлия вазирлиги, МТРК, ЎзЭОАВМА, Фанлар Академияси
28.	Жойларда Конституциямизнинг 25 йиллигига бағишланган спорт мусобақаларини (марафон, енгил атлетика, волейбол, баскетбол, футбол бўйича) уюштириш орқали соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, спортнинг оммалашувини таъминлаш мақсадида жаҳон, Осиё ва Олимпия ўйинлари ғолиблари, иштирокчилари билан учрашувлар ташкил этиш.	2017 йил ноябрь-декабрь	Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси, «Камолот» ЁИХ, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Хотин-қизлар қўмитаси, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси
29.	«Конституция — мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар ва бунёдкорлик ишларининг муҳим пойдевори» шиори остида шаҳар, туман марказларида мустақиллик даврида барпо этилган иншоотларга ўқувчи ва талабаларнинг саёҳатларини ташкил этиш ва оммавий ахборот воситаларида уларнинг таассуротлари ҳақида мақолалар бериб бориш.	2017 йил ноябрь-декабрь	«Камолот» ЁИХ, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, ЎЗА

Т/р	Бажариладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Бажариш учун масъуллар
30.	«Конституция — бахтимиз қомуси», «Конституция менинг ҳаётимда», «Конституция менга нима берди?» мавзусида махсус ижтимоий роликлар тайёрлаш, фотоқўرғазмалар ташкил этиш ҳамда босма ва электрон оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш.	2017 йил, сентябрь — декабрь	Матбуот ва ахборот агентлиги, МТРК, ЎзЭОАВМА, «Камолот» ЁИХ
31.	Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қонунийликни таъминлашдаги аҳамияти борасида аҳоли ўртасида сўровлар ўтказиш.	2017 йил, ноябрь-декабрь	«Ижтимоий фикр» жамоатчилик маркази
32.	Марказий ва ҳудудий оммавий ахборот воситаларида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг йигирма беш йиллигига бағишланган рукнлар ташкил этиш, ҳуқуқий журналларнинг махсус сонларини чоп этиш.	2017 йил июль — декабрь	Матбуот ва ахборот агентлиги, Адлия вазирлиги, ИИВ, Конституциявий суд, Олий суд, Бош прокуратура
33.	Аҳолининг таълим билан қамраб олинмаган қатламлари орасида «Конституция ва миллий қадриятларимиз» мавзусида туркум маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиш.	2017 йил ноябрь — декабрь	Маънавият тарғибот маркази, Маданият вазирлиги, Ёзувчилар уюшмаси, «Нуроний» ва «Маҳалла» жамғармалари
34.	Босма ва электрон оммавий ахборот воситаларида Конституция-мизнинг мазмун-моҳиятини, Асосий Қонунимиз ҳаётимизда юз бераётган ўзгаришлар ва қўлга киритилаётган ютуқларнинг бош омили эканини тарғиб этиш, шу мавзуда телемулоқотлар, давра суҳбатлари, учрашувлар ташкил этиш.	2017 йил, сентябрь — декабрь	Матбуот ва ахборот агентлиги, МТРК, ЎзЭОАВМА, Адлия вазирлиги, Республика маънавият тарғибот маркази, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, «Камолот» ЁИХ

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2017 йил 20 июндаги
Ф-4969-сонли фармойишига
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг
йигирма беш йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва
уни ўтказиш бўйича республика ташкилий қўмитаси
ТАРКИБИ**

Арипов А.Н.	— Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, ташкилий қўмита раиси
Йўлдошев Н.Т.	— Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раиси, ташкилий қўмита раисининг ўринбосари (келишув асосида)
Исмоилов Н.М.	— Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери, ташкилий қўмита раисининг ўринбосари (келишув асосида)
Исмоилов У.С.	— Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси
Султонов Х.М.	— Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси
Муродов О.Б.	— Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси
Раҳмонқулов М.Ҳ.	— Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти директори ўринбосари, Олий Мажлис Сенати аъзоси
Абдуллаев И.Б.	— Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори
Лавозими бўйича	— Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раиси
Камилов К.Ф.	— Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси
Усмонов М.А.	— Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши раиси
Комилов А.Х.	— Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири
Икрамов М.М.	— Ўзбекистон Республикаси адлия вазири
Азизов А.А.	— Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири
Муратов М.М.	— Ўзбекистон Республикаси маданият вазири
Қосимов Р.С.	— Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири
Иноятов У.И.	— Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири
Шерматов Ш.Х.	— Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири в.б.
Усмонов Р.Ж.	— Тошкент шаҳар ҳокими
Саидов А.Х.	— Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази директори
Ҳазратқулов М.	— Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги бош директори
Мирзоҳидов Х.М.	— Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси раиси
Юлдашев Б.С.	— Ўзбекистон Фанлар академияси президенти

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.

- Нуридинов А.В. — Ўзбекистон Бадий академияси раиси
Рафиков Қ.М. — Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси
Жавлонов Ш.С. — «Маҳалла» хайрия жамоат фонди раиси
Жалилов Ш.И. — Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси раиси
Таджиев О.П. — «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши раиси
Аҳмедов М. — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари лавозими бўйича ташкилий қўмита таркибига киради.